

Muallif: F.Abdujabborova
Yaratilgan: Angren 2005 yil
Kategoriya: Ta'lim
Bo'lim: O'zbek tili va adbiyoti
Universitet: Toshkent viloyat davlat pedagogika instituti
Fakul'tet: Filologiya
Kafedra: «O'zbek adabiyoti va o'qitish metodikasi»
Elektron fayl turi: RAR
Elektron fayl hajmi: kb

АННОТАЦИЯ

«Таржима назарияси» курси талабаларнинг умумфилологик савиясини ошириш ва касбий йўналишини кучайтириш учун хизмат қилади. Маъруза ўзбек тили ва адабиёти таълим йўналиши IY-курс бакалаврияти талабалари учун мўлжалланган.

Бу Фан умумий таржима назарияси ҳақида билим ва кўникмалар ҳосил қилишга қўйилган бўлиб «Ўзбек ва рус тиллари таърифий типологияси» фанидан олинган назарий билимларга таяниб, таржима сирларини ўргатади. Таржимада услуб, миллий колорит, анъанавий- лисоний ва индивидуал-услубий ўхшатишлар, таржиманинг нутқ маданияти билан боғлиқлиги, таржима тилида мантиқ ҳақида маълумот беради.

Мундарижда

1. БАДИИЙ ТАРЖИМАДА НУТҚ МАДАНИЯТИНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР
2. ТАРЖИМАДА УСЛУБИЙ ТИЛНИ ҲИС ЭТИШ КўНИКМАЛАРИ
БАДИИЙ ТАРЖИМАДА ШАКЛ ВА МАЗМУН БИРЛИГИ
3. ТИЛНИНГ ЛЕКСИК ИФОДАВИЙ ҚАТЛАМЛАРИ ВА ҚАТЛАМЛАРИ
БАДИИЙ ТАРЖИМА ВА ТИЛ НОРМАСИ МАСАЛАЛАРИ
4. ГРАММАТИК ШАКЛЛАР ВА ТАРЖИМА
5. ТАРЖИМА ТИЛИДА МАНТИҚ
6. АДАБИЁТЛАР РўЙХАТИ

«Tarjima nazariyasi» fanidan ma'ruza matnlari Toshkent viloyat davlat pedagogika institutining Adabiyot va uni o`qitish metodikasi kafedrasining ilmiy-uslubiy Kengashida tasdiqlangan
(2005 yil avgust oyida)

БАДИЙ ТАРЖИМАДА НУТ+ МАДАНИЯТИНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР

Нут= маданияти инсоннинг маданий савиясини кўтаришда, илмий ва бадий тафаккурни такомиллаштиришда муҳим ўрин эгаллагани ўолда, фикрнинг адабий тил нормаларига мувофи= тарзда тўри, силли=, таъсирли баён этилишини, тилнинг тасвирий ва образли воситаларидан унумли ва ўринли фойдалана билишни, нут=нинг ихчам ва содда-барча учун тушунарли ва зав=бахш бўлишини та=озо этади.

Нут= маданияти маълум фикр ёки тушунчани ифодалаш учун тилда мавжуд бўлган икки ва ундан орти= воситалар орасидан мувофи=ини, эстетик жозибадорини нут= жараёнида ў=ув билан танлаб, саралаб ишлатиш принципларини кўзда тутгани ўолда, «=айта ишланиш», «саралаш» о=ибатида адабий тил нормалари сифатида =араладиган ўолатларни ўз нормаси деб тан олади.

Нут= маданиятини ю=ори даражага кўтариш, жамият тара==иёти талаби ўларо=, бирликларнинг фонетик структурасини, грамматик нормаларини, лексик-семантик, стилистик хусусиятларини, ясаиш, ўзгариш, =ўшилиш-бирикиш =онуниятларини акс эттирувчи адабий нормаларини ани=лаш ишларини янада чу=урлаштиришни талаб этади. Юксак нут= маданиятига тилнинг барча имконият ва бойликларини пухта ва мукамал эгаллаш асосида эришилади.

Нут= силли=лиги ва таъсирчанлигига интилиш барча хал=лар учун ота мерос бўлиб, =адимги давр одамлари ўам нут= жараёнида сўзсиз маълум =онун-=оидаларга амал =илганлар. Тилларнинг ўозирги тара==иёти

даражасига кўтарилишлари «адимги кишилар нут»ларининг аста-секин, авлоддан-авлодга ўтиш жараёнида ўзгариб, шаклланиб ва ривожланиб келганлиги натижасидир.

Тиллар тараqqиёти тарихидан маълумки, аксарият мутафаккирлар ўз тиллари маданияти масалаларига бефар= «арамасдан, унинг такомиллашиши, фикр баён «илиш имкониятининг кенгайиши ва ранг-баранглашиши жараёнига муносиб ўиссаларини «ўшганлар. Масалан, туркий тилларнинг ривожланиши ва сай=ал топишида Маъмуд +аш\арий ва Алишер Навоийларнинг хизматлари алоқида ўрин эгаллайди. Маъмуд +аш\арий ўзининг «Девону лу\атит турк» номли энциклопедик асарида туркий тилларга оид жуда кўп лексик ва фрезоологик бирликларни жам\аргани, системага солган ива уларга таъриф бергани ўлда, хал= оммасининг тилдан амалий фойдаланиш имониятининг кенгайишига, ўамда сўз ва ибораларни нут=да саралаб «ўллаш малакаларининг ошишига маълум даражада ижобий таъсир кўрсатган бўлса, Алишер Навоий ўзининг «Мувокаматул лу\атайн» номли асарида ўзбек тилининг битмас-тугамас фикр баён «илиш имкониятларига эга эканлигини, унинг ўар «андай фикрни ўам назмда тўла ва чиройли ифода этишга «одирлигини илмий ва амалий далиллар асосида исбот «илиб берадики, китобдаги илмий фикрлар ўамда шоирнинг \оят бой поэтик ижоди тилимиз маданиятининг ўсишига муносиб ўисса «ўшади.

Нут= маданиятига оид проблемаларни текшириш бўйича рус олимларидан В.В.Виноградов, Е.Д.Поливанов, Б.Аларин, С.И.Ожегов, В.Г.Костомаров ва айни=СА Г.О.Винокурларнинг хизматлари ниўоятда ката. Г.О.Винокур ўзининг «Культура языка» номли китобида нут= маданиятига оид бир «анча проблемаларни таўлил «илади. Ўз таўлилини ўа=ли равишда «...маданиятимизнинг умумий тараqqиёти лингвистик маданиятсиз мумкин эмас»¹ каби сўзлар билан бошлаган олим, жумладан китобда тил маданияти тушунчасининг асл моқияти, маданий жамият билан нут= маданияти

¹ Г.О.Винокур. Культура языка. Москва-Ленинград, 1929, С. 3-4.

ўртасидаги ўзаро боʻли=лик, тил маданияти тил сиёсатининг ажралмас =исми эканлиги каби =атор масалаларни асослаб беради.

Миллий тиллар маданиятини яхшилаш, ривожлантириш борасида кўрсатилган жонбозлик бадиий таржима тили соʻласида ҳам кўрсатилиши лозим. Оригинал асар тили =ай даражада ю=ори бўлса, таржима тили ҳам шунчалик бежирим. Оригинал тили маданияти даражасида бўлиши керак. Автор ва унинг персонажлари нут= савияларининг таржимада айнан акс эттирилишигина китобхонда асар тили ҳа=ида тўри тасаввур ҳосил =илади ва унинг ʻоявий-бадиий =иймати тўрисида чи=арадиган ҳукмини тўлдиради.

Оригинал асар тилига =ўйладиган талабларнинг ҳаммаси таржима тилига ҳам =ўйилади. Чунки бадиий таржима айна=са тил бобида ижодий характер касб этади, зеро оригинал асар мазмун ва функция бирлиги таржима тили =онун-=оидалари, лексик-фрезоологик воситалари ёрдамида =айта яратилади. Профессор С.Иброҳимовнинг «Афсуски, ҳозирги ёзма ва оʻзбеки адабий тилимиздан фойдаланишда тилнинг =арийб ҳамма соʻаларида адабий тил нормаларидан белгили даражада четга чи=иш: грамматик, лексик, стилистик, имло ва орфоэпик =оидаларга эътиборсизлик давом этмо=да. Булар нут= маданиятимизга ва унинг маданиятини яхшилаш, ривожлантириш учун кураш умумдават, умумхал= аҳамиятига эга бўлган маданий вазифадир»² деган сўзлари бадиий таржима тилига ҳам ало=адордир. Таржима тили маданияти савиясининг ю=ори бўлиши мавжуд грамматик =оидалардан, лексик-стилистик воситалардан тўри ва ўринли фойдаланишни та=озо этади. Жумладан, ўзбек адабий тили давримизнинг сўз бойлиги, грамматик =урилиши ва стилистик лаё=ати анча мукаммаллашган тилларидан бўлиб, ҳар =андай мураккаб фикрларни ҳам тўла ва раво ифода этишга =одир. У ўтмишда Навоий, Му=имий, Фур=ат каби ўнлаб забардаст санъаткорларга ажойиб асарлар яратиш учун бой луʻат хазинасини очиб берган, бизнинг давримизга келиб янада тара==ий топган бўлса-да, кўпгина

² С.И.Иброҳимов. Ўзбек тилининг нут= маданиятига оид масалалар. «Нутаданиятига оид масалалар» тўплами. ЎзССР «Фан» нашриёти, Т., 1973, 97-бет.

ёзувчи ва таржимонлар ўз фаолиятларида «Сўзлардан фикр маъсадига кўра тўри фойдалана олмаслик ёки нут=ни нозарур, орти=ча сўзлар билан тўлдириб юбориш»³ грамматик, баъзан фонетик-орфоэпик =оидалардан чекиниш каби нут= маданияти нормалари ўазм =ила олмайдиган ўолатларга йўл =ўймо=далар.

Таржима тилининг софлиги, унинг ю=ори маданияти учун кураш адекват таржималар яратиш бобидаги жонбозлик билан манти=ий бо\ли= бўлиб, барча лексик ва фрезеологик бирликлар ўамда стилистик воситаларнинг оригиналдаги даражада табиий жаранглаши, биринчи навбатда, уларнинг ўз маъно ва функциялари ўамда ўзларига хос шаклларида ишлатилишини та=озо =илади.

Бадиий ижод таркибида лексик-фрезеологик бирликлар асар \оясини коммуникатив ўамда фикр маъсадига мувофи= ўринли ва саъаткорона фойдалана билишгина автор назарда тутган маъно ва стилистик функциянинг нут= маданияти доирасида тал=ин этилишини таъминлайди. Бирликларнинг коммуникатив ва стилистик лаё=атини ўисобга олмасдан, уларни оригиналдаги бирликлар таъсирига берилиб, \айри табиий шароитларда =ўллаш, аксарият, таржима тили маданияти ўам =ила олмайдиган бирикмаларнинг ўосил бўлиб =олишига, баъзан эса маъно ва функциянинг мутла=о ўзгача тал=инга олиб келиши мумкин.

1. Таржима жараёнида икки тил бирликларининг лу\авий эквивалентлигига ёпишиб олмасдан, уларнинг =амровларидаги тафовутни ўисобга олган ўолда, асосан функционал уй\унликлари ўа=ида ўйлаш муўим аўамиятга эга.

2. Бирликларнинг ўижжалаб ўгирилиши натижасида ўосил бўлган бирикмалар таржима тилида табиий жарангламас, зарурий мазмун ва эффект ўам касб эта олмайди

³ Ж.Ўамдамов. Тилимизнинг юксак маданияти учун, «Нут= маданиятига оид масалалар» тўплами. ЎзССР «Фан» нашриёти, Т., 1973, 57-бет.

3. Таржимага она тили лу\ат таркибига ало=аси бўлмаган ўзга тиллар бирликларини аралаштириш автор баёни ўамда персонажлар нут=и софлигига путур етказгани ўолда, китобхонларнинг назарда тутилган маъно ва функцияни тў\ри =абул =илишларига ўам халал беради.

4. Одатда бирликларнинг янги маъно ва функциялари у ёки бу шахснинг хоёиш ва ўаракати билан эмас, балки ўаёт эўтиёжи сифатида тил коллективи тажрибаси асосида пайдо бўлади. Баъзи таржимонларнинг бирликларга янги, уларга хос бўлмаган маъно ва функциялар юклашга ўаракат =илишлари эса аксарият ўолларда муваффа=иятсиз чи=ади, назарда тутилган мазмун таржимада ўз аксини топмай =олади.

5. Таржима тили сўзларнинг ўзаро бирикув традицияларига риоя =илмаслик ўам таржима тили маданиятининг бузилишига, бинобарин, ифоданинг адекват жарангламаслигина сабаб бўлади.

6. Бирликлар инглиз ва рус тилларида жамлаш, умумлаштириш, тўдалик, таъкид, интенсивлик каби =атор оттенкаларни ифода этиб, белги ва ўаракат маъноларини кучайтириб, баъзан эса образли-эмоционал функцияни ўтаб келганларида =атор ўолларда ўзбек тилига жуфт сўзлар ёрдамида таржима =илинади.

7. Ўар =андай компонентлар уй\унлиги жуфт сўзларни ташкил этавермайди. Сўзларнинг тил традициясига асосланган тасодифий жуфтлашиши таржима тили маданияти учун бадўазм бўлгани ўолда, жуфт сўзлар ифода этиши мумкин бўлган маъно ва функцияларни ўам акс эттира олмайди. Жуфт сўзлар компонентлари маъно эътибори билан асосан бир-бириларига я=ин, ўзаро ало=адор тушунчаларни ифодаловчи сўзлардан топадики, бу эса жуфт сўзлар табиатини белгиловчи асосий хусусиятдир.

8. Таржима жараёнида такрорий сўзларни тў\ри танлаш, тасодифий такрорларга йўл =ўймаган ўолда, тилда тур\ун характер касб этганларидангина фойдаланиш таржиманинг маъно ва функция

жиётларидан пухталигини таъминлаши билан бирга оёанг табиийлигини ўам юзага келтиради.

9. Синонимик бирликларнинг ранг-баранг контекстларида ихтисослашган ўолда =ўлланилиш хусусиятларини ўисобга олишнинг ўам таржима тили равонлигини таъминлашда аўамияти катта.

10. Умумхал= адабий тили имкониятларидан тўри фойдаланмасдан, ўар хил анормал шаклларга, хусусан шева элементларига мурожаат =илиш, автор назарда тутган фикрнинг кенг жамоатчиликка тушунарли бўлмай =олишга олиб келиши мумкин.

11. Таржима тили этика жиётдан ўам солом бўлиши зарурки, бу хусусиятнинг бузилиши сўзсиз матн тили маданий савиясининг пасайишига сабаб бўлади.

ТАНЯЧ ТУШУНЧАЛАР

Луавий эквивалентлик, матн тили, синонимик бирликлар, сўзларнинг ўзаро бирикув традициялари, функционал уйўнликлари

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Нут= маданияти ва таржима назарияси Фани орасидаги боли=ликни тушунтиринг.
2. Матн тилида асосан нималарга эътибор бериш керак?
3. Таржима жараёнида синонимик бирликлар =андай аўамиятга эга?
4. Таржимада тилида этиканинг аўамияти ўа=ида гапиринг.

ТАРЖИМАДА УСЛУБИЙ ТИЛНИ ЎИС ЭТИШ КўНИКМАЛАРИ

БАДИЙ ТАРЖИМАДА ШАКЛ ВА МАЗМУН БИРЛИГИ

Ўар бир бадий асар шакл ва мазмуннинг диалектик бирлигини ташкил этади. Бу хусусиятнинг бадий таржимада =айта яратилиши тўла-тўкис адекватликка эришишнинг асосий шартларидан бири ўисобланади. Баъзи таржимонлар фаолиятида кузатилганидек, мазмун биринчи ўринга =ўйилиб, шаклга эътиборсизлик билан =араладиган бўлса, муаллиф услуги

ùамда персонажлар нут=лари тасвири тўла=онли чи=майди. Таржима ùамма ва=т шакл ва мазмунни бир бутун ùолда =айта тиклашдек ижодий жараён бўлиб, у таржимондан оригиналнинг мазмун ва \оя бирлигини яратиш билан бир =аторда унинг мувофи= шаклини тиклашни ùам талаб =илади.

Илмий ва тан=идий адабиётда шакл ва мазмуннинг диалектик бирлигини таржимада =айта яратиш зарурлиги ùа=идаги фикр кўп учрайди. Аммо мавжуд ишларнинг бирортасида ùам бу масала мисоллар асосида, кенгро= ва атрофлича ёритиб берилмаган. Таржимада шакл ва мазмун бирлигининг =айта тикланишига ба\ишланган бирорта махсус иш ùам ùозиргача майдонга келган эмас. Бу ùол биз учун ùам мазкур масалани илмий-назарий аспектда кенгро= ва чу=урро= ёритиб бериш имкониятларини чеклаб =ўяди. Шунинг учун ùам биз ишимизнинг ушбу бўлимида бу масаланинг айрим жи\атларинигина ёритиш билан кифояланамиз. Мазмун ва шакл бирлигининг таржимада тўла=онли акс эттирилиши санъаткордан фа=атгина амалий эмас, балки назарий билимлар билан ùам =уролланган бўлишини талаб этади. Тил ùодисалари сирларини ùзлаштириб олмасдан, оригинал ва таржима тилларининг ùзларига хос =онун-=оидаларидан ùамда авторнинг индивидуал-ижодий услубларидан хабардор бўлмай туриб оригинал ру\ини тўла тал=ин этиш асло мумкин эмас. Оригиналнинг шакл ва мазмун бирлигини =айта яратишнинг ни\оятда мураккаблиги баъзи малака ва назарий жи\атдан унча етук бўлмаган таржимонларни умидсизлантириб =ўяди. Маш\ур таржимоншунос Г.Р.Гачечиладзе ùа=ли равишда: «Биринчи кўринишда асарни =айта яратиш унинг шакл ва мазмун бирлигини такрорлаш йўли билангина амалга ошиши мумкиндай бўлса (шаклнинг асосий элементи эса асар ижод этилган тилдир), таржима =илиш, дар\а=и=ат, имкониятдан таш=ари. Аммо бу боши беркдай бўлиб кўринган кўчадан чи=иб олиш имконияти бор: бу таржиманинг санъат эканлигидир. Таржима шунинг учун ùам санъатки, унда шакл ва мазмун бир-биридан

ажратилган ҳолда эмас, балки бир бутун ҳолда «айта яратилади... Таржимон оригиналга мос шакл ва мазмун бирлигини яратиш лозим»⁴, - дейди.

Хулоса «илиб шуни айтиш керакки, ҳар бир бадиий ёдгорлик ва уни ташкил этадиган ҳар бир элемент шакл-мазмуннинг диалектик бирлигини ташкил этар экан, унинг таржимасида ҳам айна ҳолат тўла-тўқис са«ланиши лозим. Бу асло оригинал тили воситаларининг таржима тилига кўр-кўрона кўчирилиши лозимлигини англамайди, балки таржима тилида оригинал воситаларига функционал мос шакл ва мазмун бирлигини танлаш зарурлигини билдиради. Таржимонга оригинал воситалари шакли ҳеч «ачон таъсир «илмаслиги, у оригинал шаклини ўз тили хусусият ва имкониятлари йўл «ўйган даражадагина моддий акс эттириши зарур.

Ёзувчилар томонидан персонажларнинг атайлаб индивидуаллаштирилган нут«и тасвирининг ҳам, асарлар бадиий-экспрессив асосини ташкил этадиган стилистик приёмлар ва бадиий-тасвирий воситалар функцияларининг ҳам таржимада мувофи« шаклда му«обил нут«, приём ва воситалар ёрдамида акс эттирилиши шакл ва мазмун уй\унлигини юзага келтиради.

Ҳар бир бирликнинг муайян шаклда маълум маъно ва стилистик функция ифодаси учун «ўлланилиши сабабли таржимада бирлик шаклининг деформация «илиниши мазмун тўла«онлигининг ҳам, автор кўзда тутган стилистик эффектнинг ҳам яралмай «олишига олиб келади.

Тур\ун бирликлар «исмларининг бир-бирларига оўангдошлиги, «офиядошлигини «айта ярата билиш ҳам таржиманинг мазмун ва шакл бутунлигини таъмин этади. Чунки кўп ҳолларда бирликлар таркибларидаги стилистик эффект «исман бутунлай оўангдошлик асосида яратилади.

ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР

⁴ Г.Р.Гачечиладзе. Проблемы реалистического перевода. Автореф.докт.дисс., Тбилиси. 1961. С.26-27.

Стилистик эффект, стилистик функция ифодаси, оригинал тил воситалари, бадий-тасвирий воситалар, мазмун ва шакл бирлиги, адекватлик.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Мазмун ва шакл бирлиги деганда нимани тушунаси?
2. Оригинал тил воситаларини нималар киради?
3. Стилистик эффект, стилистик функция тушунчаларини изоўланг.
4. Оригинал асар руи деганда нимани тушунаси?

ТИЛНИНГ ЛЕКСИК ИФОДАВИЙ +АТЛАМЛАРИ ВА +АТЛАМЛАРИ

БАДИЙ ТАРЖИМА ВА ТИЛ НОРМАСИ МАСАЛАЛАРИ

Тил нормаси нут= маданияти масаласи билан чамбарчас бо\ли= бўлиб, тил назарияси проблемалари =аторида мустаўкам ўрин олган ўолда, кишилар олдига асосан тў\рини нотў\ридан ажрата билиш, тил традицияси кўтара оладиган ўолатларни ўар хил тасодифий, нотрадицион =ўлланишлардан фар=лай олиш каби вазифаларни =ўяди.

Одатда барча ёшликдан ўрганилган, одатланилган воситалар норма сифатида =абул =илинади. Бинобарин, ўар бир диалект соўиблари ўам ўзларининг нут=ларини энг тў\ри ўисоблаганлари ўолда, бош=а диалектларда гапирувчиларни ўатто адабий нут=да сўзловчиларни ўам тил нормасини бузаётганликда айблайдилар. Аммо ўаммабоп умумхал= тили нут=ининг адабий формаси бўлиб, бу формани эгаллашнинг асосий шарти тилнинг адабий нормаларини ўзлаштириб олишдир. Сўзловчи адабий тил нормаларини нут=ига сингдириб олар экан, ўамиша унинг бузилишига =араши онгли равишда курашади ва ўз кундалик ўаёти ва фаолиятида ундан иложи борича унумли фойдаланишга, энг нозик ва ранг-баранг маъно оттенкаларини ўам тў\ри ва силли= ифода этишга ўаракат =илади.

Баён этилган фикрларни умумлаштириб шуни айтиш мумкинки, ўар бир миллий тил нормалар йи\индисидан таркиб топган экан, фикрнинг табиий ёки \айри табиий ифода этилиши санъаткорнинг ана шу нормаларга =ай даражада риоя =илишига бо\ли= бўлиб, бу масала асосан =уйидагича хулосаларга келиш имкониятини беради:

1. Баъзан таржимонлар оригиналдаги бирликларнинг ясалишлари ва компонентларининг ўзаро бирикишларини, жумлаларнинг =урилишлари ва сўз тартибларини ўзича са=лаб =олиш йўли билан таржима тили учун ёт бўлган шаклларни ўосил =иладилар. Бу ўол ифоданинг \айри табиий жаранглашига, ўатто кўп ўолларда автор кўзда тутган фикрнинг китобхонларга етиб бормай =олишига ўам олиб келади. Чунки ўар бир бирлик ўзининг норма сифатида =абул =илинган шаклида маълум маъно ва стилистик функция ифодаси учун хизмат =илади.

2. Маълум маъно ва стилистик функция турли тилларда =атор ўолларда турлича семантикали компонентлар бирикувидан ўосил бўлган бирликлар воситасида ифода этилар экан, таржима жараёнида ўар =айси тилда норма сифатида =абул =илинган компонентлар уюшмасини назарда тутишга функционал уй\унликни юзага келтириши мумкин.

3. Жонли адабий нут= нормаси сифатида =араладиган и=тисод принципининг бирликлар таркибларида бузилиши стил \ализлигига олиб келади.

4. У ёки бу предметни аташда хал=лар асосан шу предметнинг ўар хил хусусиятларига асосланар эканлар, бу жараёнга ўар =айси хал=нинг муста=ил равишда ёндашиши туфайли предмет номи турли тилларда турлича семантикали сўзлардан ёки компонентлар бирикмасидан ташкил топган бўладик, таржима жараёнида айни жиўатнинг ўисобга олиш ишигина фикрнинг нормал баёнини таъмин этади.

5. Оригинал тилнинг ўзига хос нут= штампларини таржима тилидаги му=обил вариантлари билан алмаштирмасдан, уларнинг функцияларини

cûзма-cûз таржима ёрдамида =айта тиклашга уриниш асосан ùеч =андай самара бермайди. Чунки бу бирликлар назарда тутилган функцияларни ùз шакл ва лексик таркиблари воситасидагина ùтай олганлари ùолда, бу шакл ва лексик таркиблар бош=a тилларда зарурий стилистик эффект ярата олмайди.

6. Таржимада эквивалент бирликларни бир-бирлари билан билиб-билмай алмаштиравермасдан, уларнинг =амров имкониятларини, ихтисослашиш хусусиятларини ùисобга олиш ùам фикрнинг адабий тил нормаси доирасига баён этилишида а̀амияти катта.

7. Ùзга тиллар бирликларининг калька усули воситасида ùгирилиши натижасида таржима тилида пайдо бўлган бирликлар к̀п ùолларда тил нормасининг ùазм даражасида жаранглаб, фикр баён =илишнинг зарурий воситалари сифатида тилнинг лу\ат таркибидан мустайкам ùрин олсалар, таржима тилида оригиналдаги фрезологик бирликни к̀га баъзи компонентлари ùхшамайдиган эквивалент воситанинг мавжудлиги бирликнинг моддий жѝатдан ани= таржимаси натижасида ùосил бўлган бирикманинг табиий о̀анг касб этишига халал беради: бирикма таржима тилидаги бирликнинг бузиб =ùлланилган шаклига ùхшаб, =уло==а \айри табиий эшитилади.

8. Бир-бирларидан таркибларида ùзлари мансуб бўлган хал=лар турмуш тушунчаларини акс эттирадиган компонентлари мавжудлиги билан фар= =иладиган шакл тил эквивалент бирликларининг таржима жараёнида бирини иккинчиси ор=али ùгиришда таржимонлар олдида асосан икки хил хавф к̀ндаланг бўлади: биринчидан, оригинал тили бирлиги компонентини таржима тили бирлиги компоненти ор=али алмаштириш й̀ли билан асл нусхани миллийлаштириб =ùйиш; иккинчидан, оригиналдаги компонентни ùзича =олдириб, автор к̀зда тутган стилистик эффектнинг китобхонларга етиб боришини таъминлай олмаслиқдир. Бу мушкулотларни енгишнинг бирдан-бир шарти таржимонларнинг ùз масъулиятларига ижодий

муносабатда бўлганлари ўлда амалий фаолиятнинг адекват таржималар яратиш бобидаги ютувларидан унумли фойдаланишларидир.

9. Ўзлари мансуб бўлган халқлар тарихи, ўар хил афсоналари, урф-одатлари, диний, сиёсий ва эстетик варашлари асосида пайдо бўлган эквивалентларга эга бўлмаган тилларга моддий жиҳатдан аниқ таржима вилиш ижобий натижа бермайди: бирлик асосида ётган этимология таржима тили вакилларига тушунарли бўлмаганлиги сабабли, ўосил бўлган бирикма оригинал маъносини китобхонларга етказиб беришга ожизлик вилади.

10. Тилларнинг муставил тарихий тараивёт жараёнини бошларидан кечиришлари маълум маъно ва стилистик функцияларнинг ифодаси учун вўлланиладиган турли тиллар фразеологик бирликларнинг кўп ўолларда турлича лексик таркиблардан иборат бўлиб вилишларига сабаб бўлар экан, бундай бирликларни бир тилдан иккинчи тилга мавжуд муовил вариантлари ёрдамида ўгирмасдан, моддий жиҳатдан аниқ таржима вилиш камдан-кам ижобий натижа беради. Чунки ўосил бўлган сўзлар бирикмаларининг мантивий-тарихий асосдан ўоли бўлишлари, уларнинг назарда тутилган маъно ва функцияларни тил нормаси ўазм вила олдиган даражада акс ёттиришларига йўл вўймайди.

ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР

адабий тил нормаларини муовил вариантлари, эквивалент бирликлар, миллий тил нормалар йиқиндиси, калька усули.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Таржимада асосан вайси тил нормаларига эътибор берилади?
2. Калька усули деганда нимани тушунаси?
3. Фразеологик бирликлар таржимасида нималарга эътибор бериш лозим?
4. Таржима тилида стилистик вализликларга йўл вўювчи унсурларга нималар киради?

ГРАММАТИК ШАКЛЛАР ВА ТАРЖИМА

Нут= маданиятининг муҳим омилларидан бири нут=нинг грамматик жиҳатдан пухта ва тўри бўлишидир. Бу ҳол биринчи навбатда, тилнинг адабий, шу жумладан, грамматик нормаларини пухта ўзлаштириб олиб, нут=урилишининг грамматик шаклларини тўри туза билишни талаб этади.

Грамматик нормаларга риоя =илиш аввало жумла шаклларини яхши билиш ва улардан моҳирона фойдаланишни, сўнгра жумладаги ўзак, негиз ва =ўшимчалар ўрталаридаги муносабатларнинг тўри бўлишини, эга ва кесимнинг мослигини, иккинчи даражали бўлақлар хусусиятларига яхши эътибор беришни ҳамда сўз тартибининг =оидага мувофи= бўлишини талаб этади. Тиниш белгилари жумлаларнинг тўри тузилиши ва улардаги фикрнинг ани=ифодаланиши учун хизмат =илар экан, уларнинг фикр ма=садига мувофи= =ўйилиши ҳам муайян текстдаги фикрни ёзувчи баён этгандек тушуниш имкониятини беради.

Уар бир тилнинг ўзига хос хусусиятларга эга эканлиги оригиналда фойдаланилган грамматик шаклларни таржима тилига кўр-кўрона кўчиришни эмас, балки улар воситасида ифода этилган фикрларни му=обил шакллар ёрдамида функционал =айта тиклашни та=озо этади. Амалий фаолиятга шу ну=таи назардан ёндашилгандагина таржима тилида оригиналдаги грамматик шаклларга мос шаклли воситаларнинг йў=лиги аҳамиятини йў=отади. Бинобарин, икки тил шаклларининг ўхшашлиги формал характер касб этади.

1.Таржиманинг адекват жаранглаши асосий \оявий-бадий мазмунни очувчи лексик-семантик воситалар функцияларининг ижодий =айта тикланишигагина эмас, балки хилма-хил грамматик ҳолатларнинг ҳам нут=маданияти доирасида тал=ин =илинишига, жумладан, тиниш белгиларининг фикр ма=садига мувофи= =ўйилишига ҳамда =ўшимчаларнинг жонли нут=да ишлатилиш нормаларига =атвий риоя =илишга ҳам бо\ли=дир.

2. У ёки бу грамматик категориянинг ё оригинал, ё таржима тилида бўлмаслиги ҳам таржимонлар олдига маълум Амалий =ийинчиликлар =уядики, бу мушкулотларни енгишнинг муҳим шарти масалага илмий-иждоий ёндашган ҳолда, функционал уй\унлик ҳамда ўйлашдир.

3. Таржимон ўз амалий фаолиятида дуч келадиган ва фойдаланадиган барча грамматик ҳолатларнинг хусусият ва формаларини, жумла таркибидаги сўзларнинг ўзаро муносабатга киришиш ва мослашиш ҳолатларини пухта билиш керак, акс ҳолда тилнинг грамматик ҳамда манти= нормалари ҳам =ила олмайдиган ифодалар вужудга келиб =олиши мумкин.

4. Оригиналда мужассамлашган ҳаракат характери таржимада тўри акс эттиришнинг асосий шартларидан бири =ўшма гап кесимларининг замон формалари жиҳатдан ўзаро уй\ун ҳолда тал=ин этилишидир.

5. Инкор бо\ловчиси иштирокида тузилган жумлаларнинг адабий нормасига тўри келиш-келмасликларини ани=лаш таржима амалиёти фикрларидан таш=ари илмий мушоада асосида иш кўришни ҳам талаб =илади. Чунки айрим таржимонларнинг «на...на» бо\ловчисининг инкорни англатиш хусусиятини ўис этмасдан ёки ўис этганда ҳам, таржима =илинаётган жумлалар таъсирига берилиб кетиб, ўзбек тили нормаси кўтара олмайдиган =ўш инкорли жумлалар ҳосил =илиб =ўйишлари туфайли, амалий фаолият мисоллари ҳамма ва=т ҳам нут= маданияти нормасининг ҳам даражасида эмас. Бинобарин, гоёо кузатиладигандек, таржима амалиётининг узигагина суяниб умумлашмалар яшаш илмий асосдан холи бўлган хулосаларга олиб келиши мумкин.

6. Инглиз ва рус тилларидаги инкор бо\ловчиларига ўзбек тили доим му=обил бо\ловчи тўри келавермайди. Мазкур бо\ловчилар функциялари гоёо бириктирув бо\ловчиси воситасида ҳам тал=ин этилиши мумкин.

7. Одамлар ўртасидаги муомала-муносабатнинг «сен» мурожаат нормасидан жайоннинг аксарият тилларида кўпро= катталарнинг кичик ёшдаги одамларга, сиздан эса кичикларнинг ёши катталарга мурожаат

«илишларида фойдаланилади. Бундан ташқари сен кўпроқ «урматсизликни англатиб, кишиларнинг ўзаро муомала-муносабатларига совуқ оёланг бахш этса, сиз «урмат ва сертакаллуфлиликни акс эттиради. Айни олмошлар ўзлари мансуб бўлган тилларда яна «атор ўзларига хос «ўлланилиш хусусиятларига ҳам эгадирларки, бу ҳол таржима амалиёти «ийинчиликларини келтириб чиқаради.

8. Мурожаатнинг баъзи тилларда «сен» баъзиларида «сиз» формалари «амровларининг кенглиги таржима жараёнида олмошларнинг луқавий уйқунликларига ҳам эътибор беришни талаб қилади.

ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР

адекват жаранглаш, боқловчилар функциялари, грамматик ҳамда мантиқ нормалари, формал характер

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Таржима тилининг адекват жаранглашига нималар асос бўлади?
2. аржима тилида боқловчиларни «андай ўрни бор?
3. Асар таржимасида тиниш белгилари «андай аўамиятга эга?
4. Ҳаракат характерини таржимада тўри акс эттиришнинг асосий шартларидан бири нима?

ТАРЖИМА ТИЛИДА МАНТИҚ

Маълумки ҳаёт, яшаш ниҳоятда чуқур мазмунга эга. Акс ҳолда ҳеч бир мавжудот онгли ёки беихтиёр равишда унга интилмаган, уни севмаган бўлар эди. Ҳаётнинг бу «адар чуқур мазмун касб этиши уни ташкил этадиган барча компонентларнинг ўзаро мантиқий боқланишда эканлигида ҳамдир. Жумладан, инсон ҳаёти ҳам мантиқий асос заминига «урилганлиги учун у доимий мантиқий ўсиш ва ўзгаришдадир. Умуман ҳаёт тасодифларидан ҳоли бўлмаган ҳолда, кўпинча кишилар назарида юзаки тасодифдай туюладиган ҳаёт воқеа-ҳодисалари асосида ҳам «онуниятлар, мантиқий боқланишлар мавжуд. Демак, мантиқийлик ҳаётий зарурат бўлиб, мантиқсизликка йўл

=ўйилиши ўаёт =онуниятларининг соўалаштирилишига, бузилишига олиб келади.

Ўзаро манти=ий бо\ли=лик инсон фаолиятининг барча соўалари =атори фикр алмашиш =уроли бўлган тил ўодисаларига ўам тааллу=лидир. Тилда фойдаланиладиган ўар бир лексик ёки фразеологик бирлик эса маълум =оидалар асосида ясашишдан таш=ари, бош=а бирликлар (жумланинг бош=а =исмлари) билан ўам коллектив а=л-заковати, манти=ли тафаккурининг маўсули сифатида намоён бўладиган мавжуд =онун-=оидалар асосида бирикади. Бу, =оидага айланган бўладиган мавжуд =онун-=оидаларига риоя =илмаслик тил маданияти ва традицияси, шунингдек, ундаги манти=ий бутунликнинг бузулишига ўам олиб келади.

Умуман тил маданияти таржима тили маданияти ўам, биринчи навбатда, тилнинг маданий нормаларидан тўри фойдаланишни та=озо этар экан, нормативлик деярли ўамма ва=т манти=ийлик билан чамбарчас бо\ли= бўлиб, гоўо у ёки бу фикр ўар хил таржимонлар томонидан хилма-хил вариантларда баён этиладики, бу вариантларнинг баъзилари фонетик, лексик ва грамматик жиўатлардан манти=ий тўри тузилганликлари сабабли тил маданияти ўазм даражасида бўлса, айримлари манти=ий асосдан ўоли бўлганликлари туфайли тил нормасидан, бинобарин, маданиятидан ўам узо= бўлади.

Ўар бир баён этилган фикрда сўзлар, сўз бирикмалари ва жумлалар орасидаги ўзаро мазмуний бо\ланиш изчил, тушунарли, безиддият бўлиши керакки, нут=нинг айна хусусияти уни тафаккур фаолияти билин бирлаштиради. Бас, шундай экан, ўз навбатида тафаккурнинг ўзи ўам изчил, ишонарли, зиддиятсиз бўлиши зарур. Бу ўол манти=ий бутунликни-тафаккур манти=и билан нут= билан нут=-тил манти=ининг ўзаро бо\ли=лигини юзага келтирадики, нут= манти=ининг бузилиши фикрнинг нотўри, \айри табиий баёнига, бинобарин, кишиларининг фикрларини тўри, силли= ўолда =абул =ила олмасликларига олиб келади.

Манти=ан етук таржима яратиш учун санъаткор ўзи танлаётган тил воситаларининг асосан =уйидаги жиётларини ўисобга олиши зарур:

1. Образли-эмоционал-экспрессив воситалар эркин маънодаги лексик бирликларнинг ўаётини ўа=и=атлар заминида ўзаро манти=ий бирикуви асосида юзага келганликлари учун ўам табиий жаранглайди, улар умумлаштириш ва образлилик яратиш хусусияти касб этадиларки, таржимон танлаган му=обил воситалар ўам, Айни =онуниятга асосланган бўлсагина, функционал адекватлик юзага келади.

2. Асосларида ётган образ очи=-ойдин кўзга ташланиб турадиган бирликларнинг калька усули ёрдамида ўгирилиши аксарият манти=ий асосли бўлади. Баъзан таржимонлар зарурий стилистик эффектни янада ани=ро= яратиб бериш ма=садида бирликларнинг моддий жиётдан ани= таржимаси таркибига маънони конкретлаштирадиган, тўлдирадиган баъзи сўзлар =ўшадилар, айрим компонентларни бош=а сўзлар билан алмаштирадилар. Бундай =ўшиш ва ўзгартиришлар ўосил бўлган бирикма контекстига ёпишсагина, ифоданинг манти=ий асоси тўла са=лангани ўолда, адекватлик юзага келади.

3. Таржима жараёнида тил бирликларини тўри танлаш масъулияти санъаткордан ижодий жараён учун зарур бўлган жуда кўп нарсаларни билиш билан бирга бирликларнинг ўзига хос семантик-стилистик хусусиятларини пухта ўзлаштирган ўолда иш кўришни ўам талаб =илади. Бу жиёт таржима тилининг манти=ий бой жаранглашида катта аўамият касб этади.

4. Таржима тили бирликларини бегона, уларга хос бўлмаган шароитларда =ўллаш, уларга асоссиз равишда ўзгача функциялар юклаш, традицион маъно ва функцияларини пухта ўзлаштириб олмасдан туриб улардан фойдаланиш, хилма-хил хато ва камчиликлар =атори, ифодаларнинг манти=сиз баёнига ўам сабаб бўлади.

5. Адекват таржима яратиш масъулияти бирликларнинг кўп маънолилигини ўисобга олишни, контекст талабидан келиб чи=иб, уларнинг

ùатто лу\атларда акс этмаган маъноларини ùам ани=лаган ùолда таржима тили бойлигидан унумли фойдаланиш асосида манти=ан пухта ифодалар яратишни та=озо этади.

6. Оригиналда фойдаланилган тур\ун ва компаратив-тасвири нут=ий воситаларни моддий жи\атдан ани= ùгириш жараёнида кенг китобхонлар оммаси тушунишини ùисобга олиб, уларнинг айрим компонентларини ùзгартириш, баъзан ижобий натижа бермасдан, автор к\ўзда тутган ма=садни нот\ўри, манти=сиз тал=ин этишга олиб келиши мумкин.

7. Фразеологик контаминация й\ўли билан ùосил б\ўлган бирикмалар компонентлари ораларидаги муносабатнинг аксарият манти=ий асосдан ùоли б\ўлганлиги сабабли улар ùамма ва=т ùам табиий жаранглайвермайди. Бундай бирикмалар талаффуз этилганда к\ўпинча назарда тутилган маъно ва стилистик функциялар англашилмасдан, манти=сизлик к\ўзга ташланади.

ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР

манти=ий бо\ланиш, манти=ий асос, традицион маъно образли-эмоционал-экспрессив воситалар, манти=ий бо\ли=лик

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Етук таржима яратиш учун санъаткор ùзи танлаётган тил воситаларининг асосан =айси жи\атларини ùисобга олиши зарур?
2. Таржима тилининг манти=ий бой жаранглашида нималар катта а\амият касб этади?
3. Образ очи=-ойдин к\ўзга ташланиб турадиган бирликларнинг =андай усул ёрдамида ùгирилиши манти=ий асосли б\ўлишини таъминлайди?

АДАБИЁТЛАР Р\ўЙХАТИ

1. Абдуллаев В.А. Ўзбек адабиёти тарихи, ик5кинчи китоб. Т., «Ў=итувчи», 1966.

2. Атажонов Н. Переводы узбекской классической литературы на иностранные языки. Т., 1993.
3. Долимов С.Д. «+обуснома» ùа=ида. «+обуснома». Т., «Û=итувчи», 1967.
4. Зоидов В.Й. Юксак нафосат ва мангу ùикмат обидаси. «Калила ва Димна». Т., Бадий адабиёт нашриёти, 1966.
5. Каримов /К. Ûзбек адабиёти тарихи. Т., «Û=итувчи», 1966.
6. Караматов Х.С. «+уръон ва ùзбек адабиёти». Т., «Фан», 1993.
7. Караматов Х.С. Соïиб=ирон Темур. «Шар= юлдузи» журналы, 1990, № 12.
8. Караматов Х.С. +уръон маъноларининг ùзбекча таржималари. Конференция ТошДУ, 1992.
9. Караматов Х.С. +уръон ва ùзбек адабиёти. Муло=от журналы, 1993, № 2.
10. Караматов Х.С. Арбаин ùадис ва =ир= ма=ол. Т., «Фан», 1994.
11. Комилов Н. Ибн Сино ва Данъте. Т., «Фан», 1983.
12. Комилов Н. Огайининг таржимонлик маъоратига оид. «Ûзбек тили ва адабиёти» журналы, 1969, № 5.
13. Комилов Н. Таржимачилик анъаналир. «Шар= юлдузи», журналы, 1969.
14. Маллаев Н.М. Ûзбек адабиёти тарихи. Т., «Û=итувчи», 1965.
15. Мусаев +. Бадий таржима ва нут= маданияти. Т., «Û=итувчи», 1976.
16. Саломов /Т. Таржима тарихига оид баъзи маълумотлар. «Ûзбек тили ва адабиёти» журналы, 1964, № 1.
17. Саломов /Т., Отажонов Н. Таржимон маъорати. Т., 1989.
18. Саломов /Т. Тил ва таржима. Т., «Фан», 1966.
19. Саломов /Т. Бадий таржимада автор услубини са=лаш ва фрезоология масалаларига доир. «Шар= юлдузи» журналы, 1959, № 3.

20. Саломов /Т. Умумий таржима назарияси асослари. Т., «Ўқитувчи», 1983.
21. Саломов /Т. Маълумот, матал ва идиомаларни таржима қилиш масаласига доир. Т., «Фан», 1961.
22. Саломов /Т. Таржима назариясига кириш. Т., 1978.
23. Саломов /Т. Таржима назарияси асослари. Т., 1983.
24. Шарипов Ж. Ўзбекистонда таржима тарихидан. Т., «Фан», 1965.
25. Шарипов Ж. Бадиий таржималар ва моҳир таржимонлар. Т., «Фан», 1972.